

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
КАРЬЕРА МАРКАЗИ  
Н И З О М И**

Тошкент – 2021

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**  
**Карьера маркази**  
**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йилнинг 16 июнь куни ўтказилган 34-сон йиғилиш баёнининг 2, 3 ва 10-бандлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 июндаги 314-сон буйруғи ва университет ректорининг 2021 йил 29 июлдаги 238-УМ-сонли буйруғининг 4-бандида белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у Тошкент давлат шарқшунослик университети “Карьера маркази” (кейинги ўринларда - Марказ деб юритилади) фаолиятини белгилайди.

1.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари, хайъат қарорлари, университет ректорининг буйруқлари ва кенгаш қарорлари шунингдек мазкур Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритади.

1.3. Марказ жойлашган асосий манзил: – 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура кўчаси, 20-уй.

1.4. Марказнинг расмий номи:

давлат тилида – Тошкент давлат шарқшунослик университети “Карьера маркази (Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti “Karyera markazi”);  
қисқартирилган номи – TDSHU KM;

рус тилида – Центр карьера; қисқартирилган номи - ЦК.

инглиз тилида – “Career center” қисқартирилган номи- СС.

**II. Марказнинг асосий мақсади**

2.1. Таълим хизматлари бозорида университет фаолият кўрсатишининг аниқ стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, университет рейтингини ошириш мақсадида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни ишга тақсимлаш жараёнини истеъмолчилар (иш берувчилар) томонидан мутахассис шахсига қўйилган талабларни бажаришга йўналтириш ҳамда бу жараёнга раҳбарлик қилиш, реклама-ахборотни режалаштириш ва уни олға силжитиш рағбатини

таъминлаш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни амалга ошириш ҳамда таълим хизматлари кўрсатишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш, шартномалар тузишни ташкил қилиш ҳамда назоратга олишдан иборат.

### 3. Марказнинг вазифалари

3.1. Университет рейтингининг тегишли кўрсаткичларини (битирувчиларнинг касбий маҳорати (малакавий сифатлари) ҳамда уларнинг иш берувчилар (истеъмолчилар) талабларига мувофиқлиги, битирувчиларнинг ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш даражаси) ўрганиш ва уларни янада ошириш учун барча тегишли бўлимлар (факультетлар, кафедралар, бўлимлар) фаолиятини мувофиқлаштириш.

3.2. Талабаларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асослари, меҳнат бозорида мос вақанциялар излаш кўникмалари, ишга кириш учун резюмега тайёрлаш ва иш берувчи билан суҳбатдан ўтказиш усулларини ўргатиш, ишга кириш учун талаб эътиладиган ҳужжатлар билан таништириш;

3.3. Иқтисодиёт тармоқларининг илғор мутахассислари ва экспертларини жалб қилган ҳолда талабаларни касбга йўналтириш, меҳнат бозоридаги мавжуд ва истиқболдаги ҳолат, муайян касбга, иш жойларига ва иш берувчиларга, истиқболлик корхоналарга оид замонавий маълумотлар билан таништириш;

3.4. Меҳнат органлари, таълим муассасалари, манфаатдор идоралар ва ташкилотлар иштирокида иш ўринлари ярмаркалари, карьера кунларини тақил этиш ва талабаларни келажакда касбий фаолиятга қизиқишларини кучайтирувчи тадбирларни амалга ошириш;

3.5. Олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, мазкур олий таълим муассасасини муқаддам тамомлаган битирувчиларнинг ҳозирги меҳнат фаолияти (карьераси) тўғрисида ҳамда ушбу йўналишдаги бошқа таҳлилий материалларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

3.6. Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириб борилишини таъминлаш мақсадида ҳар йили кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги прогноз эҳтиёжларни ўрганиш.

3.7. Бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёж параметрларни ишлаб чиқадиган ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, асосий иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

3.8. Асосий иш берувчилардан олинган жорий ва истиқболдаги буюртмалар асосида университетда корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари тўғрисида замонавий стратегик маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда уни доимий янгилаш ва замон талаби асида кенгайтириб бориш.

3.9. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш ва битирувчиларни ишга

тақсимлаш борасида университетнинг тегишли бўлинмалари (турли илмий-услубий кенгашлар, илмий, ўқув-услубий бўлинмалар, факультетлар, кафедралар ва ҳ.к.) билан ҳамкорлик қилиш, улар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда иштирок этиш, университет битирувчиларининг умумий иш билан бандлик сиёсатини мувофиқлаштириш.

3.10. Республика ва тегишли ҳудудлар (вилоятлар) иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда янги таълим (тайёрлов) йўналишлари ёки мутахассисликларини очиш, шунингдек таълим хизматлари бозори талабларига жавоб бермайдиганларини тўхтатиш бўйича таклифлар тайёрлаш, етарлича иш берувчига эга бўлмаган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатини аниқлаш.

3.11. Иш берувчилар (истеъмомчилар)нинг битирувчилар ҳақидаги фикрлари (эътирозлари, ёш мутахассиснинг камчиликлари, рад қилиниши сабаблари) ва таълим сифатини оширишга оид таклифлари асосида амалдаги таълим мазмунига муайян ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

3.12. Талабалар амалиёти ва ишга жойлашишига ҳар томонлама кўмаклашиш, потенциал иш берувчилар рўйхатини шакллантириб бориш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек аввалги битирувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланиш.

3.13. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим хизматлари бозори ва конъюктурасига таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар (сегментлар) ўртасидаги ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш асосида битирувчиларни олдиндан ишга тақсимлаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш.

3.14. Жорий йил битирувчилари ҳақида (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган ҳолда) маълумотлар банкини яратиш.

3.15. Университетнинг битирувчиларни ишга тақсимлаш бўйича комиссиясини ташкил этиш, тақсимот комиссияси томонидан иш берувчи муассаса, корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларига мувофиқ битирувчиларни ишга тақсимлаш режаларини (дастлабки, аниқлашган) ишлаб чиқиш ва якуний тақсимотни ўтказиб, унинг натижалари бўйича битирувчилар шахсий тақсимот қайдномасини тузиш ҳамда умумлаштириш.

3.16. Университетнинг битирувчиларни ишга тақсимлаш бўйича комиссияси фаолияти учун зарур бўлган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ҳар бир битирувчининг рейтингини ва малакавий сифатлари тўғрисида тавсифнома, битирувчиларнинг қайси

муассаса, ташкилот ёки корхонада ишлашни хохлашига оид анкета сўровлари натижалари ва иш берувчилар (истеъмомчилар)дан корхона ёки ташкилотдаги мавжуд меҳнат ҳамда маиший-маданий шарт-шароитлар, иш ҳақи миқдорлари ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш. Битирувчиларни ишга тақсимлаш ва уларнинг жойлашишига оид барча зарурий ҳужжатларни (дипломдан кўчирма, ишга юборилганлик тўғрисида йўлланма, тақсимот комиссияси қарори, шахсий тақсимот қайдномаси) тайёрлаш, расмийлаштириш ва битирувчиларга топшириш.

3.17. Жорий йил битирувчилари ҳақида (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича фамилияси, исми-шарифи кўрсатилган ҳолда) маълумотлар банкини яратиш. Ишга тақсимланган ва жойлашган битирувчилардан ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланмаларнинг бўлагини тўлиқ қабул қилиб олиш ва уларнинг тақсимот ёки қайта тақсимот (шу жумладан, мустақил ишга жойлашиш) ҳамда мутахассислиги бўйича корхоналар ва ташкилотлар кесимида ишга жойлашуви ҳақида тўлиқ якуний маълумотлар банкини яратиш.

3.18. Жорий йилда ва ўтган йиллар давомида ишга жойлашган ёш мутахассислар билан қайтар алоқалар ўрнатиш, зарурий ҳолларда уларга амалий-услубий ёрдамлар кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда меҳнат фаолияти натижаларини умумлаштириш.

3.19. Янги ўқув йили қабул режасининг бажарилиши (давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича қабул режаси, тушган аризалар, конкурс, қабул қилинган талабалар сони, уларнинг курслар, таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича тақсимланиши, ўқитиш тиллари ва ҳ.к.) ҳақида маълумотлар банкини яратиш. Янги ўқув йилида давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар билан университет ўртасида ўқишни тугатгандан сўнг ишга тақсимланган жойида 3 йил ишлаб бериши тўғрисида шартномалар тузиш.

3.20. Иш берувчилар (истеъмомчилар)га ахборотлар воситасида таъсир кўрсатиш йўллари танлаш, оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, радио-телевидение, электрон алоқа, веб-сайт) орқали битирувчилар тўғрисида (вилоятлар бўйича таълим йўналишлари, мутахассисликлар кесимида) маълумотлар эълон қилинишини, университет веб-сайтида жойлаштириш.

3.21. Турдош олий таълим муассасаларида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланаётган ракобатли битирувчиларнинг касбий маҳорати даражаси, уларнинг устунлиги ва камчилигини баҳолаш ҳамда ўз битирувчилари билан таққослаш.

3.22. Кадрларга бўлган реал эҳтиёжлар ва битирувчиларни якуний ишга тақсимлаш натижалари ҳақидаги маълумотларни тааллуқли вазирлик (идора)нинг махсус комиссияси ҳамда иш берувчи муассаса, корхона ва ташкилотларга даврий равишда тақдим этиш, ишга тақсимлаш жараёни назорат режасининг бажарилиши бўйича университет Кенгашида ҳисоботлар бериш.

3.23. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ишга тақсимлашда ёрдамчи-воситачилик тузилмаларини танлаш (ҳокимиятлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари (бўлимлари), савдо-саноат палатаси, агентликлар, ишончли вакиллар ва ҳ.к.) ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш.

3.24. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг имкониятлари ва устунликларини намойиш қилиш мақсадида университетнинг республика, минтақавий ва халқаро кўرғазмалар, ярмаркаларда иштирок этишини таъминлаш, муассаса ҳудудида кўрғазма ва витринали экспозициялар ташкил этиш.

3.25. Имзоланган шартномаларга мувофиқ иш берувчиларни белгиланган муддатларда битирувчилар билан таъминлаш мақсадида университетнинг барча тегишли бўлинмалари билан талабалар қабули ва битирувчиларни ишга тақсимлаш режаларини мувофиқлаштириш.

3.26. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш, ёш мутахассисларнинг меҳнат фаолияти натижалари бўйича университетнинг ички ҳисоботини юритиш ва ташкил этиш, марказнинг йиллик ҳисоботини тайёрлаш ҳамда университет Кенгашида кўриб чиқиш.

#### **4. Марказнинг ҳуқуқлари**

4.1. Марказга масъул бўлган проректор ҳамда Маркетинг бўлими бошлиғи куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2. Марказ ваколатларига кирган зарурий ишларни амалга ошириш учун университетнинг тегишли бўлинмаларидан (илмий ва услубий кенгашлар, ўқув ва услубий бўлинмалар, факультетлар, кафедралар ва ҳ.к.) ахборотлар тақдим қилишни талаб қилиш;

4.3. Университетнинг педагог-ходимлари ва иш берувчи (истеъмолчи) муассаса, корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассисларини (келишув асосида) ўрнатилган тартибда иш билан бандлик тадқиқотларини ўтказиш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ҳамда улар ҳақидаги ахборотларни тарқатиш тизимини лойиҳалаш ва ташкил қилишга жалб этиш;

4.4. ДТС доирасида иш берувчи (истеъмолчи)ларнинг талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда битирувчиларнинг касбий сифатлари ва рақобатбардошлигини ошириш, таълим жараёнига илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш;

4.5. Иш берувчилар (истеъмолчилар)нинг ёш мутахассислар ҳақидаги фикрлари: эътирозлари, камчиликлари ва рад қилиниши сабаблари ва таълим сифатини оширишга оид таклифларини таҳлил қилиш ҳамда таълим хизматлари бозори талабларига жавоб берувчи янги авлод битирувчиларини шакллантириш бўйича, жумладан таянч олий таълим муассасаларига тавсиялар бериш;

4.6. Иш берувчилар (истеъмолчилар)нинг таклифлари асосида мавжуд таълим методикаси (технологиялари)даги камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

4.7. Битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича тегишли муассаса, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

4.8. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, битирувчиларни ишга тақсимлашнинг мавжуд тизимига тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки уни такомиллаштириш бўйича Университет кенгашига таклифлар киритиш;

4.9. Битирувчилар тўғрисида рекламалар мазмуни ва оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар орқали маълумотлар эълон қилиниши ҳамда истеъмолчиларга етказилиши бўйича факультетлар, тааллуқли кафедралар, қабул комиссияси фаолиятини назоратга олиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш;

4.10. Битирувчиларнинг имкониятлари ва устунликларини намоён қилиш мақсадида университет ходимларининг республика ва халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, учрашувлар ва конференцияларда иштирок этишини ташкил қилиш;

4.11. Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, тааллуқли масалалар мажмуини аниқлаш, вазифаларини тасдиқлаш;

## **5. Марказнинг масъулияти**

5.1. Мазкур Низомга мувофиқ юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун тўлиқ жавобгарлик Маркетинг бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.

## **6. Марказ фаолиятини юритиш ва назоратга олиш**

6.1. Марказ ўз фаолияти натижалари бўйича Университет Кенгашида ҳар жорий йилда камида бир марта ҳисобот беради.

6.2. Марказ ўзига юклатилган вазифалар ижроси бўйича тегишли маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда университет Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

6.3. Марказ фаолияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва ўрнатилган тартибда назоратга олинади.

## **7. Яқуний қоидалар**

7.1. Марказнинг фаолиятини тугатиш, ўзгартириш киритиш ёки қайта кўриб чиқиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.2. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

7.3. Мазкур Низомнинг амал қилиш муддати чегараланмаган.